



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil "16" yanvar

Қ-39 -son

Termiz sh.

**Вилоят ҳокимининг “Бойсун туман “Ғайрат” массиви ҳудудидан ИП ООО “SURHAN GAS CHEMICAL OPERATING COMPANY”га ажратилган ер майдонини қисман туман ҳокимлиги захирасига қайтариш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,36 моддаларига асосан, ИП ООО “SURHAN GAS CHEMICAL OPERATING COMPANY”нинг 2020 йил 25 ноябрдаги 1117-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Вилоят ҳокимининг 2019 йил 11 сентябрдаги Қ-438-сон қарори билан Бойсун туман “Ғайрат” массиви ҳудудидан ИП ООО “SURHAN GAS CHEMICAL OPERATING COMPANY”га ажратилган жами 77,8 гектар ер майдонидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1030-дала контуридаги материаллар омбори қурилиши учун ажратилган 15,0 гектар суғориладиган экин ер майдони Бойсун тумани ҳокимлиги захирасига қайтариб олинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2019 йил 11 сентябрдаги Қ-438-сон қарорининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Бойсун тумани “Ғайрат” массиви ҳудудидан ИП ООО “SURHAN GAS CHEMICAL OPERATING COMPANY” ҳисобига туман ҳокимлиги захирасидан жами 62,8 гектар, шундан 18,3 гектар тупроқ унумдорлиги 46 балл бонитетли суғориладиган экин ер, 12,0 гектар лалми экин ер ва 32,5 гектар яйлов ер майдонлари автомобиль йўли, газ трассаси назорат йўли ҳамда вахта ишчилар шаҳарчаси қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахмонов) 15,0 гектар суғориладиган экин ер майдони Бойсун тумани ҳокимлиги захирасига қайтариб олинаётганлиги сабабли, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида ҳисобланган 1 075 190 203 (бир миллиард етмиш беш миллион бир юз тўқсон минг икки юз уч) сўм Давлат тўлов қоплама қийматини ИП ООО “SURHAN GAS CHEMICAL OPERATING COMPANY”га тўлаб берилишини ёки келгусида ажратиладиган

ер майдонлари учун қоплама қийматини ҳисоблашда инобатга олинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) ер майдони қайтариб олиниши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**